



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцентлар

Даволаш факультетига қарашли "Нерв касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Акушер гинекология №1" кафедраси

Катта ўқитувчилар

Малака ошириш факультетига қарашли "Ички касалликлар №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Информатика, биофизика ва нормал физиология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Одам анатомияси ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Патология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлик №2" кафедраси

Ассистентлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Гистология ва тиббиёт биологияси" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Клиник фармакология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Ички касалликлар №3" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юқумли ва болалар юқумли касалликлари" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Психиатрия ва наркология" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Онкология, нур диагностикаси ва терапия" кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Ижтимоий фанлар" кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Тиллар" кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш ва фуқаро мудофааси" кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Суд тиббиёти" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Тери-таносил касалликлари" кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик №1" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Биологик ва тиббий кимё" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Микробиология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Жисмоний тарбия ва реабилитология" кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли "Коммунал ва меҳнат гигиенаси" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Умумий ва болалар жарроҳлиги" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жарроҳлиги №1" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Анестезиология ва реаниматология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Кўз касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Нерв касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлари" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Урология" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология №2" кафедраси

Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №1" кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov


Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Topshirish vaqti: 14.00

БОШ ҚОМУСИМИЗ — ИНСОНЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ ҲИМОЯ

Конституциямиз Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда моддама-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинган бўлиб, у 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат тарихидаги буюк воқеа ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг давлат суверенитети ғоялари ва инсон ҳуқуқларига ҳамда озошлигига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни ҳисобланадиган Конституция энг олий юридик кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мазмун ва моҳияти фақат унинг халқи манфаатларига хизмат қиладиган ва унда ҳуқуқий демократик давлат қуриш асосларини белгилаб берган қобуснома ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз Миллий Қомусини қабул қилиши билан инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содақатли эканлигини кафолатлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида унинг асосий тамойилларида ва миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш жоиз, жамиятимиз ҳаётида сиёсий, ҳуқуқий маданият тушунчасининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги шаклланиб, янги сиёсий меъёрлар ҳамда қонунларнинг қабул қилиниши учун қулай имкон яратилмоқда.

Зеро, жамият сиёсий маданиятининг юксак кўрсаткичи – кишиларнинг давлат олиб бораётган ички ҳамда ташқи сиёсатни, унинг асосий йўналишлари, мазмуни ва амалга ошириш усул ҳамда услубларини тўлиқ тушуниши ва тушунтира билишидадир. Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий-таълимий муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги ўз исботини топмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциянинг устунлиги ва барқарорлиги ўз навбатида, жамият қонун нормалари ва қадриятларининг ифодаси бўлиши Конституциянинг маънавий обрўини кўтаради. Конституция ва қонунлар ҳамма нарсадан устун турмоғи ва ҳамма учун мажбурий бўлмоғи лозим.

Ғ.Ғ.ЎТАЕВ,

ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

БАЙРОҒИМИЗ — МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ



Давлатимиз байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англагани ҳамда республиканинг миллий-маданий аъёнларини ўзида мужассамлаштиради.

Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу – яхшилиқни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради.

Байроқдаги оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички ғўзалликка интилишининг тимсоли.

Яшил ранг – табиатнинг янгилиниш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

Қизил чизиқлар – вужудимизда жўшиб оқётган ҳаётий қудрат ирмоқларини англайди.

Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий аъёнларимиз билан боғлиқ. Юлдузлар барча учун илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий аъёнларимиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз, Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нухум илми тараққий этганлиги билан изоҳланади.

Миллий байроғимиз – мамлакатимиз суверенитетининг олий рамзи бўлиб, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли сифатида намоён бўлади. "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VIII сессиясида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорғоҳларида, Олий Мажлис палаталарининг, Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа олий давлат бошқарув органларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг, маҳаллий ҳокимиятлар, Конституцион Суд ва Олий Суд, Прокуратура, Миллий Хавфсизлик Хизмати ва бошқа давлат оқори идора ва ташкилотларининг биноларида, уларнинг раҳбарларининг хизмат хоналарида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихона, консулхона ва бошқа ваколатхоналарида, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегаралари ва улардаги ўтиш жойларида, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ва бошқа ҳарбий бирлашмаларда, Ўзбекистон Республикасига тегишли дарё ва денгиз транспорти кемаларида доимий равишда ўрнатилади.


Ватан ҳиссини юракдан туйган ҳар бир инсон борки, юрт байроғини муқаддас билиб, унинг ҳурмат ва шарафини чин қалбдан эъзозлаши лозим.

Б.РЎЗИЕВ,

ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси



**Яхши таълим-тарбиянинг самараси
ҳавас қилгулик бўлади.**



ДАРДА ДАРМОН ШИФОКОРЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Тошкент Тиббиёт академияси томонидан тиббиёт ходимлари куни муносабати билан маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тошкент Тиббиёт академияси соғлиқни сақлашнинг замонавий йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлайдиган нуфузли олий таълим муассасалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда академиянинг олти факультетида бакалаврият босқичида уч ярим мингга яқин, магистратурада олти юздан зиёд талаба таълим олмоқда. Олти юз нафардан зиёд профессор-ўқитувчи ёшларга таълим бермоқда.

Олий таълим муассасаси дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидаги нуфузли клиникалар, илм-фан марказлари билан таълим ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу жараёнда ёш ўқитувчи ва магистрларнинг малакасини ошириш, билим ва тажриба алмашиш, мамлакатимиз илм-фани ва тиббиёти ютуқларини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар мамлакатимизда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билими ва касб маҳоратини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаб ўтишди.

– Академиямизда талабаларга чуқур билим бериш, ўқув жараёнини илғор педагогик услублар ва замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш учун барча шароит яратилган, – дейди академиянинг болалар касалликлари кафедраси доценти Дилбар Қурбонова. – Кафедралар академиямиз клиникалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, етакчи шифохоналар базасида жойлашгани ёшларнинг назарий билимини амалиёт билан боғлиқ ҳолда бойитиб бориш имконини бермоқда.

Тадбирда кўп йиллар таълим ва тиббиёт соҳасида Тиббиёт академиясида самарали фаолият кўрсатган бир гуруҳ ходимлар тақдирландилар.

Жумладан, кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнатлари учун “Тиббиёт ходимлари куни” муносабати билан Тиббиёт академиясининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг жорий йилнинг 1 ноябрдаги буйруғига асосан “Соғлиқни сақлаш аълочили” кўкрак нишони билан – Қутбиддин Фатхуллаевич Низамов, Тўлаган Агзамович Сагатов, Фарид Мирзиевна Аюповалар тақдирландилар.

Шунингдек, Умида Алишеровна Ташкенбоева, Фахриддин Хайрутдинович Муратов, Шокир Юлдашевич Бекназаров, Назира Ўктамовна Ариповаларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиғи топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 октябрдаги буйруғига кўра Низом Жумақуллович Эрметов, Алберт Валентинович Югай, Мунира Журақулловна Аллаева, Феруза Ибодуллаевна Саломовалар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан кўп йиллик самарали меҳнатлари учун Шерали Шерикбаевич Массавиров, Шухрат Ерматов, Жаҳонгир Анваров, Шоира Қодирова, Нигора Одидовна Аҳмадалиевалар тақдирланди.

Шунингдек, Тиббиёт академиясида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ходимлар – Маргарита Николаевна Бендингер, Дилбар Раҳимовна Қурбонова, Назира Расулматоваларга Академиянинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбир якунида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган “Садоқат” спектакли намойиш этилди.

З.ШООЛИМОВА,
т.ф.н. ассистент
Ф.АБДУМАЛИКОВА,
ассистент



(Давоми. Боши 6-бетда.)

суякларни мустаҳкамлашда, уйқуни тинчлантиришда катта аҳамиятга эга. Юздаги хуснбузарларни йўқотишда ҳар куни нонуштага ширқовоқ истеъмол қилинса терини майинлаштириб ёғ безлари фаолиятини меъёрлаштиради.

Қовоқ уруғи мойи шифобахш таъсири унинг таркибидаги бир қанча биологик фаол моддаларга боғлиқлиги исботланган. Мой таркибида 53 хил макро ва микроэлементлар мавжуд. Улардан энг асосийлари – темир, магний, селен ва рух. Булардан ташқари, мой таркибида ёғда эрувчи А, Е, F витаминлари кўп миқдорда мавжуд. Мойда холестерин йўқ, саратон касаллигининг олдини оловчи “ситостерин” моддаси кўп.

Бугунги кунда қовоқ уруғи мойидан тайёрланиб қўлланилаётган препаратлар суюқлик, капсула ёки шамча кўринишида бўлиб, улар тиквеол, пепонен, проставит, қовоқ мойи шамчалари, биопрот ва вегетабс каби препаратлардир.

Қовоқ уруғи мойи бир қанча касалликларни даволашда ва олдини олишда ҳам фойдалидир.

Қовоқ уруғи мойидан тайёрланган препаратлар жигар, ўт қопи, меъда ичак йўллари касалликларини даволашда ҳам исботланган. Жигар ва ўт йўли сурункали яллиғланиш касалликлари, айниқса, гепатитларда бу дори воситаларининг гепатопротекторлик, яъни жигар ҳужайраларини мембранасини мустаҳкамлаш ва уларни шикастланишдан асраш хусусияти борлиги аниқланган. Бу хоссалари бўйича,

айниқса, пепонен ва тиквеол гепатитларни даволашда кўп қўлланиладиган эссенциале, карсил препаратлари каби самарадорликка эга. Бундан ташқари, улар сафро чиқариш йўллари функционал ҳолатини яхшилаб, сафро кимёвий таркибини ўзгартириш ва суюлтириш орқали сафро ҳайдовчи таъсирга ҳам эга. Қовоқ уруғи мойидан тайёрланган препаратларнинг бу хусусиятлари ўт қопи яллиғланиши ва ўт – тош касалликларини даволашда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Қовоқ уруғидан тайёрланган дори воситалари меъда ва ичак яллиғланиш касалликларини даволашда ҳам самаралидир. Меъда ва ичаклардаги яраларнинг чандиқланишини тезлаштиради, қабзиятга бўлган ҳолларда эса ич юриши яхшиланишини таъминлайди. Бундан ташқари, организмдаги ортиқча ёғ қайта ишланиши ва нейтралланиш жараёнини тезлаштириб, тана вазнини мўътадиллаштиради.

Қовоқ уруғи мойи тери касалликларида самарали эканлиги аниқланган. Мой таркибидаги макро ва микроэлементлар, витаминлар тери фаолиятини яхшилайди, терини юмшатади ва силлиқлаштиради.

Шунинг учун қовоқ таомлари соғлом ва парҳез овқатланишда кенг қўлланилади.

Ш.ЗОКИРХҲАЕВ,
ТТА профессори
М.ЗОКИРОВА,
клиник ординатор

1 декабрь – Бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни

ОИТС – БУГУНГИ КУН НУҚТАИ-НАЗАРИДА

Бугунги кун тиббиётига 10 мингдан ортиқ нозологик бирликлар, яъни алоҳида хасталиклар, 15 мингдан ортиқ синдромлар (бир неча аломатларнинг уйғунлашиб келиши) ҳамда 100 мингдан ортиқ симптомлар (аломатлар) маълум. Ҳар 2-3 йилда битта янги хасталик қўшилиб, мазкур рўйхатни кенгайтириб бормоқда.

Инсоният бугунги кунгача бор-йўғи битта касалликни ер юзидан тўлалигича фориг қилиб юбора олди: бу чинчечак касаллиги бўлиб, ўзининг даврида бутун-бутун ўлкалар, худудларни ўлим саҳросига айлантирган бу мудҳиш бало 1973 йилда батамом йўқотилиб юборилди деб эълон қилинди. Аммо, битта маҳв этилган душман ўрнига ҳар 2-3 йилда янгилари пайдо бўлиб турибди. ОИТС ҳақида илк марта 1982 йилда Америка матбуотида бонг урилган бўлиб, мен 1983 йили “Фан ва турмуш” ойнамасида биринчи марта у ҳақида ўқиганман. Мана касаллик илк аниқланган санадан буён ўтган 34 йил мобайнида у рўйи заминдан 300 млн.га яқин одамни бевақт супуриб кетди.

Касаллик асосан гомосексуалистларда, наркоманларда, шахвоний йўлларда кўп юривчиларда учрайди. Касбимиз тақозоси билан жарроҳлик клиникаларига тушган, ўта озгин, лимфа безлари катталашган, тез-тез касалликларга чалинувчи, бесабаб иситмаси чиқувчи ёки ичи кетувчи болакайларни текширишга юборишга мажбур

бўламиз, таассуфки ҳатто ёш болаларда ҳам бу мудҳиш касаллик учрамоқда. Албатта, норасида болакайларга бу мудҳиш хасталикнинг юқишида маълум миқдорда биз шифокорларнинг айби ҳам бор.

Статистик маълумотларга қараганда Американинг ҳар 270 нафар аҳолисининг биттасида, Финляндияда ҳар 5000 нафар фуқародан биттасида ОИТС синдроми аломатлари аниқланди. Россия ҳудудини олиб қаралса 100 000 аҳоли ҳисобида 55 нафарда касаллик аниқланган. Конго, Зоир каби Африка давлатларининг айрим худудларида аҳолининг 30-40% гача қисмида мазкур касаллик аниқланиши жуда ташвишли ҳолдир. Статистик маълумотлар кўлаמידан ҳам кўришиб турибдики, касаллик фақат тиббий кўламдан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиб бормоқда. Айрим тадқиқотчилар яқин ўн йилликда ОИТС ер шари аҳолисининг 10% гача қисмини қамраб олиши мумкин деган мудҳиш статистикани келтирмоқдалар.





Касалликнинг этиологияси, патогенези, яширин даври, клиник кечиши, давоси хусусида тегишли адабиётларда муфассал маълумотлар берилгани боис уларга тўхталиб ўтирмакдан даволаш борасида сўнги йиллар натижасини сиз азизларга етказмоқчимиз. 2002 йилда уни даволаш учун бир қатор дори воситалари ихтиро қилинди, жумладан зидовудин препаратини узоқ муддат қўллаш касалликнинг

ҳали оғир асоратлар бериб улгурмаган илк босқичларида анча наф бериб, касаллик кучайишини бартараф этди. Аммо, 2008 йилда ўтказилган тадқиқотлар мазкур препарат самараси унчалик ҳам барқарор эмас деган хулосага келдилар. 2012 йилда Россия олимлари сунъий қон айланиш тизими орқали бемор қонини махсус аппаратда 6 соат мобайнида 42 даражагача қиздириб, тўхтовсиз айлантириб бир неча сеансдаёқ 6 нафар беморни мазкур касалликдан халос қилганлари тўғрисида хабар бердилар. Бу жаҳон илм аҳли орасида катта сенсация бўлиб кетди. 2015 йилда эса эронлик олим Фатҳ ибн Ҳусайн уни даволайдиган дори кашф этганлигини эълон қилди.

Аммо, 6 нафар беморнинг соғлом ҳаёт кучоғига қайтиши – ҳали ўзини статистик жиҳатдан оқлади деган гап эмас. Эронлик олим ихтиро қилган дори самарадорлиги масаласига келсак, уни холисона баҳолаш учун ҳали бир неча йиллар зарур бўлади.

Шунга қарамасдан, илм-фан бир жойда тўхтаб қолган эмас, балки инсонпарвар олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан башарият яқин йилларда ундан фориг бўлиш ҳадисини тўлиқ олади деб умид билдирамыз.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Халқ таботати академияси академиги,
тиббиёт фанлари номзоди



БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Бутун дунё тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Тошкент Тиббиёт академияси "Шифокор" спорт мажмуасида талаба-ёшларнинг тиббий билим даражасини янада ошириш мақсадида "Қулоқ, бурун, томоқ касалликлари профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи" мавзусида акция ташкил этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 29 декабрдаги №506-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури"нинг 59-бандини бажариш юзасидан, ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси талабалари, магистр, клиник ординаторлар ва ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида:

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қулоқ, бурун, томоқ касалликлари профилактикаси, ОИВ/ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида Бутун дунё тиббиёт ходимлари куни муносабати билан "ЛОР касалликлари ва стоматология курси" кафедраси, маънавият ва маърифат бўлими ва ТТА "Камолот" ЁИҲ БТ билан ҳамкорликда Тошкент Тиббиёт академияси "Шифокор" спорт мажмуасида "Қулоқ, бурун, томоқ касалликлари профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи" мавзусида акция ташкил этилди.

Ушбу лойиҳа доирасида 8 та бекатдан иборат махсус йўналиш ишлаб чиқилди ва куйидаги бекатларга, юқоридаги мавзулар бўйича махсус ўқитилган оториноларинго-

логия йўналиши бўйича тахсил олаётган 1-2-3 курс магистратура талабалари ҳамда "Камолот" ЁИҲ БТ сардорлари бириктирилди.

Лойиҳани бошлаган иштирокчи ҳар бир бекатда соғлом турмуш тарзига доир саволлар билан кутиб олинди ҳамда битта спорт тури бўйича ўз маҳоратини синаб кўришди ва берган жавоби, кўрсатган маҳоратига қараб йўл варақасига балл қўйиб берилди, бекатлар охирида иштирокчи тўплаган балига қараб "ЛОР касалликлари ва стоматология курси" кафедраси ва ТТА "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг совғалари билан тақдирланишди.

Лойиҳада 253 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Акция давомида иштирокчилардан олинган анкета жавобларига кўра, умри давомида 43 нафар иштирокчи 16.9% қулоқ касалликлари билан, 97 нафар иштирокчи 38.3% бурун касалликлари, 241 нафар 95.2% томоқ касалликлари билан оғриганлиги маълум бўлди. Акция давомида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олишди. Акция қизиқарли ва савол-жавобга бой бўлиб ўтди.

Ш.ХОДЖАНОВ,
ТТА "ЛОР касалликлари ва стоматология курси" кафедраси доценти



Соғлом овқатланиш рациони

Соғлом ва парҳез овқатланишда қовоқнинг аҳамияти

Қовоқ – бебаҳо озиқ маҳсулот. Кўп миқдорда оқсиллар, шунингдек, углеводлар, витаминлар ва минерал тузлар миқдори бўйича бошқа сабзавот экинларидан устун туради.



Қовоқда оқсил 0.5%, ёғ 0.2%, 5.5-11.6% қанд, 2.0% крахмал, 1.14% клетчатка, 1.0 гр протеин, кўпгина минераллар: 170 мг калий, 40 мг кальций, 14 мг натрий, 0.8 мг темир ва кўп миқдорда лектин, 1.5% мг каротин, В-0.13 мг %, шундан бироз камроқ В ва В (0.05 мг %), РР витамин (0.5 мг %) бор.

Тиббиётда қовоқнинг мағзи, эти, қуритилган ва қуритилмаган уруғи, шарбати, гули, пояси, илдизидан фойдаланилади. Қовоқ уруғидан олинган препаратлар кенг таъсир доирасига эга. Қовоқ уруғи мойи антиоксидант, антисклеротик, гепатопротекторлик, ўт суюқлиги, сийдик

ҳайдаш ва гижжаларни йўқотиш хусусиятларига эга.

Қовоқ мағзи бир қанча касалликларни даволашда ва олдини олишда фойдалидир.

Қовоқ таркибидаги А витамини кўриш қобилиятини яхшилашга ёрдам беради, ортиқча тана вазнини йўқотиш учун қовоқдан тайёрланган таомлардан истеъмол қилиш керак. Масалан: ширқовоқ, қовоқли сомса, қовоқли манти, яхна ҳолда истеъмол қилиш фойдали.

Қовоқ таркибидаги антиоксидантлар ҳисобига зарarli холестеринни ҳайдаб, ичаклардаги тикинларни тозалайди.

Қовоқнинг темир ва Т витаминига мўллиги билан болалардаги камқонлик, катталарда қон суюлтириш учун фойдаланилади. Қовоқ мунтазам истеъмол қилинганда организмдаги реге-нерация жараёнини яхшиланади.

Давоми 7-бетда.

Буюк сиймолар изидан...

Бугун! Бу сўз шундайин оддийки, қанчалик оддий жаранглаётган бўлмасин, кечанинг маҳзун куйларини, эртанинг порлоқ нурларига туташтирувчи абадийлик кўприги янглиғ буюкликни акс эттира олади. Зеро, тарихсиз келажак йўқ. Келажак эса бугундан бошланади. Дарҳақиқат, бу кунлар ҳақида сўз юритиш, албатта, ёшларимизнинг маънавий олами, уларнинг қизиқиш ва интилишларига эътиборимизни жалб этади. Хўш, бугунимиз ёшлари қандай? Улар нималарга қизиқмоқдалар? Улар кўпроқ қандай давраларнинг иштирокчилари бўлишяпти?



Бунга жавобни Тошкент Тиббиёт академияси талаба ёшлари ҳаётига назар ташлаб билиб оламиз. Кун кеча октябрнинг 28-кунида ТТАнинг 5 сонли талабалар турар жойида "Буюк сиймолар ва уларнинг издошлари" номли маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Бу каби талаба ёшларни бир жойга жам этувчи тадбир академияда жуда кўп ва ўтказилиб турилади, бироқ уларнинг сони қанча кўпаймасин, улар ёритиб бераётган мавзулар бир-бирини тақрорламайди, балки ҳар соҳанинг ноёб қирралари кўрсатиб берилади. Бунга буюклар ҳаётига бағишланган талабалар чиқиши ёрқин мисол бўла олади.




Бу тадбирга талабалар турар жойи кутубхонаси бош мудираси Гулчехра Саидова бошчилик қилди. Тадбирда буюк сиймолар ва уларнинг ҳаёти, кенг ижод йўли ҳамда уларнинг бугунимиз ёшлари дунёқарашини бойитувчи, аждодлар руҳига чексиз ҳурматда бўлиб, буюклар ижодидан кўпроқ баҳраманд этувчи ажойиб саҳна чиқишлари, шеърлар, миллий рақс ва қўшиқлар бўлиб ўтди. Тадбирнинг энг таъсирли, қалбларни ларзага келтирган қисми муҳтарам Юртбошимиз — Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ёшларга нисбатан айтган гапларидан иборат видеоролик ва "Шу юртда яшаётган ҳар бир бола менинг болаларим, менинг фарзандларим" деган нутқлари берган садонинг таъсиридан томошабинлар кўзларида қалққан кўз ёшлари бўлди.

Тадбирда маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Турдикул Акрамович Бобомуродов ва кутубхонанинг адабий китоблари бўйича жавобгар шахс Иноят Ҳайдарова сўзга чиқиб, талабаларга мозийга чуқур назар ташлаш, аждодларимиз руҳига чексиз ҳурматда бўлиш, энг муҳими улар яратган маънавият ҳазинасини асраб-авайлаб, доимо уларга муносиб фарзанд бўлиб етишиш кераклиги тўғрисида гапириб ўтишди.

Тадбирда академиянинг фаол талаба ёшларидан тиббий педагогика ҳамда олий маълумотли ҳамшира факультетининг ижодкор ёшлари иштирок этишди. Улардан ОМХ факультети 3-босқич талабаси М.Аҳмадбекнинг дилдан чиққан қўшиғи кўнгилларга маънавий озиқа берди. Талабалар ижросида буюк сиймоларнинг жонланиши эса ҳамма томошабинларни гўё мозий саҳналарида сайр этаётгандек тасаввур уйғота олди. Тадбирни олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси Нодира Тешабоева олиб борди. Буюк сиймоларни яратган талабалар тиббий педагогика факультети талабаси Азамат Рўзиқулов – ибн Сино қиёфасида, Элбек Раҳматов – Алишер Навоий қиёфасида, Яшнаербек Турсунов – Муҳаммад Юсуф қиёфасида, олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси Замонбек Очилов – Бухорий қиёфасида, Нодира Қурбонова – Зулфия қиёфасида, Маҳлиё Орзуқулова – Увайсий қиёфасида, Бибисора Абдуллаева – Нодирабегим қиёфасида намён бўлишган.

Энг асосийси бу тадбир Ватанимиз тарихига ҳамда юртимиз келажигига бефарқ бўлмаган ҳар бир ёш авлод қалбида аждодларимиз яратган ҳар бир сатр сўзга бўлган меҳр чўғларини алангалата олди. Демак бундан кўриниб турибдики, Тошкент Тиббиёт академияси ёшлари ҳамиша изланишда, тўхтаб қолгани йўқ, улар нафақат тиббиёт соҳасини, балки санъат, маданият, маънавият қабиларни ҳам бирдай шакллантира олишяпти. Шундай ёшлар бор экан юртимиз ҳамиша тараққий этиб бораверади. Буюклар фарзанди буюк бўлади. Зеро улар қолдирган из, келажак учун порлоқ йўл демак!!!

Азамат РЎЗИҚУЛОВ,
тиббий педагогика факультети 605-гурӯх талабаси
Нодира ТЕШАБОЕВА,
олий маълумотли ҳамшира факультети 1-босқич талабаси



ЁШЛАР ОРАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБОТ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Т.БОБОМУРАТОВ,
ТТА маънавият ва маърифат ишлари проректори

Талаба ёшлар ҳаётида соғлом турмуш тарзи ва жисмоний тарбиянинг ролини ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бунга эришиш учун таълим муассасаларида етарли шароит яратиш ҳамда ишларни тизимли равишда ташкил этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши шарофати билан бугунги кунда Тошкент Тиббиёт академиясида талаба-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишни амалга ошириш учун академияда барча имкониятлар яратилди. Жаҳон стандартларига мос келадиган “Шифокор” спорт мажмуаси куриб ишга туширилди ва спортнинг 14 та тури (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, кураш, дзюдо, теннис, оғир атлетика, бадминтон, енгил атлетика манежи ва б.) билан шуғулланишлари учун очиқ ва ёпиқ стадионлар ишламоқда. Бундан ташқари Тиббиёт академиясининг талабалар турар жойларида 4 спорт майдончалари (минифутбол, волейбол, баскетбол, гимнастика комплекси) ҳам талабалар учун хизмат қилмоқда.

Тошкент Тиббиёт академиясида жисмоний тарбия ва спорт ишлари амалга оширилаётган ишлар куйидаги йўналишлар бўйича ташкил этилган:

спорт секциялари иши
соғломлаштириш характерида эга бўлган доимий ишлар.

якшанба – Тиббиёт академиясида спорт куни доирасидаги ишлар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган тиббиётга оид махсус кунларга бағишланган спорт тадбирлари.

турли байрамлар муносабати билан ташкиллаштирилган спорт мусобақалари.

махсус ойликлар муносабати билан ташкиллаштирилган спорт мусобақалари.

Республика ва Тошкент шаҳар миқёсидаги спорт мусобақаларида қатнашиш.

Тиббиёт академияси миқёсида спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ташкиллаштириш.

Спорт секциялари иши: Тиббиёт академиясида бугунги кунда жами 1684 киши, шундан 9 та спорт секциясида 208 та талаба ва соғломлаштириш секциясида 1476 киши мунтазам спорт ва жисмоний

тарбия билан шуғулланиб келишмоқда.

Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзига ёшларни жалб этиш учун академиямиз илмий кенгаши томонидан “Якшанба куни – спорт куни” деб эълон қилинган. Шу муносабат билан куз ва баҳор ойларида ҳар якшанба куни 300 тадан 700 нафаргача талаба ва ўқитувчилар очиқ ва ёпиқ стадионларда югуриш, жисмоний машқларни бажариш, узунликка сакраш, стол тенниси, волейбол, минифутбол, баскетбол, шахмат-шашка ва бошқа) спорт турлари билан шуғулланиб келишди. Қиш ойларида ҳар якшанба куни 100 дан ортиқ талабалар “Шифокор” спорт комплексининг ёпиқ стадионида асосан волейбол, минифутбол, баскетбол, стол тенниси билан шуғулланишди. Шунингдек ҳар куни талабалар турар жойларидаги 5 та спорт майдончаларида талабалар жисмоний машғулотлар ва спорт билан шуғулланиб келишмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси миқёсида ўтказилган спорт мусобақалари. ТТА маънавият бўлимининг режасига асосан талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бир қатор спорт мусобақаларини келтириб ўтмоқчимиз.

“Соғлом юрт фарзандлари қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” шiori остида ОМХ факультети талабалари ўртасида курсларо спорт мусобақалари ташкил этди.

“Камолот кубоги” – 2016 йил февраль ойида 21 кун давомида факультетларо спорт мусобақалари – минифутбол, тош кўтариш, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка. Мусобақаларда 214 та талаба спортчи сифатида иштирок этди.

“ТТЖ дирекцияси кубоги” – 2016 йил март ойида 15 кун давомида турар жойларо спорт мусобақалари минифутбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, бадминтон, арм рестлинг бўйича мусобақалар ташкил этилиб 300 нафар талаба иштирок

Давоми 5-бетда.



(Давоми. Боши 4-бетда.)

этди.

“Миллий спорт ўйинлари бўйича талабалар кенгаши соврини” 2016 йил 14-17 март куни кураш, арқон тортиш ва бошқа миллий спорт турлари бўйича 320 нафар спорт мусобақаларида иштирок этишди.

Тиббиёт академиясида спорт ойлиги деб эълон қилинди ва академия кубоги мусобақаларида 1000 дан ортиқ талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

“Камолот кубоги” – 2016 йил сентябрь ойида 2 ҳафта давомида факультетларо спорт мусобақалари – тош кўтариш, миллий кураш ва арқон тортиш мусобақалари ўтказилиб 200 дан ортиқ кураш билан шуғулланиб келаётган талабаларимиз беллашишди.

Профессор-ўқитувчилар орасида факультетларо спорт мусобақаси – 25-26 сентябрь кунлари волейбол, стол тенниси, шахмат бўйича ўтказилди, мусобақаларда 61 нафар ўқитувчилар иштирок этишди.

Турли байрамлар муносабати билан ўтказилган спорт байрамлари, спорт мусобақалари.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан: 1. “Ҳарбийлар беллашганда” ҳарбий имтиёз билан қабул қилинган талабалар орасида 2. Факультетларо талабалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 8 март хотин қизлар куни муносабати билан аёллар ва талаба қизлар ўртасида аънавий спорт беллашувлар ўтказилди: “Шейпинг маликалари”, стол тенниси, қувноқ стартлар, волейбол ва б. Спорт турлари бўйича 200 дан ортиқ киши беллашди.

“Наврўз” байрами муносабати билан “Талабалар турар жойи кенгаши соврини” – миллий спорт тур-

лари: арқон тортиш, кураш, арм рестлинг ва б. спорт турлари бўйича ўтказилиб 100 тадан ортиқ талаба беллашиб ғолиблар тақдирланди.

“Биз соғлом юрт фарзандларимиз” мавзусида Тиббиёт академиясининг аънавий спорт байрами ўтказилди. Бу спорт байрамида 3000 дан ортиқ томошабин, талаба ва ўқитувчилар, 1000 яқин парад иштирокчилари, шундан 500 дан ортиғи спорт мусобақаларида беллашган профессор-ўқитувчи ва талабалар, 100 дан ортиқ шейпингчи аёлларимиз ҳамда спорт бўйича кўргазмали чиқиш қилган кишилар иштирокида амалга оширилди.

Шунингдек махсус кунлар доирасида Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида 1 декабрь – халқро ОИТСга қарши кураш куни доирасида (қувноқ стартлар), 31 май Халқро тамаки чекишга қарши курашиш куни, инсультга қарши кураш куни, остепорозга қарши кураш куни муносабати билан (волейбол ва бадминтон) спорт мусобақалари факультетлар кесимида академиянинг кафедралари томонидан ўтказилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент Тиббиёт академиясида бугунги кунда талаба-ёшларни жисмоний ва спорт ишларига жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, талаба-ёшлар ҳаётида соғлом турмуш тарзи ва жисмоний тарбиянинг ролини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаба-ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом, мустақил фикрлайдиган, чуқур билимли, кенг дунёқарашли, қатъий ҳаёт позициясига эга, турли маънавий таҳдидларга қарши кураша оладиган, жасур, бақувват, ғурурли, интилувчан, изланувчан ва ташаббускор бўлиб тарбияланишига хизмат қилади.

